

## **Мустақиллик энг улуг неъмат**

**Бугун бир ҳақиқатни катта ғуур va ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустаҳкам иродасини намоён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содик бўлиб келмоқда.**

***Ш.М.Мирзиёев***

Мамлакатимиз мустақилликка эришган тарихан қисқа даврда ижтимоий-сиёсий ҳайтиниң барча соҳаларида асрларга татигулик ўзгаришлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йилдан-йилга юксалиб бораётir.

Давлатимиз раҳбари томонидан узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда мазкур Ҳаракатлар стратегияда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлашга қаратилган давлат дастурлари асосида бугунги кунда мамлакатимиз изчил ва барқарор ривожланиши билан бир қаторда иқтисодиёти дунёдаги жадал ривожланаётган давлатлар қаторида эътироф этилмоқда. Бунинг яққол исботи сифатида мамлакатимизда курилган ва ўз кўлами бўйича жаҳон миқёсида ҳам йирик ва ноёб ҳисобланган кўплаб саноат обьектларини мисол қилиб келтириш мумкин. Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ўсиши прогноз кўрсаткичлари бўйича 2019 йилда дунёдаги иқтисодиёти тез ривожланаётган мамлакатлар орасида етакчи ўринларда қайд этилиши ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Сўнгги йилларда давлат ва жамият бошқаруви, суд-хуқуқ тизими니 такомиллаштириш, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусий мулк ва тадбиркорлик учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда.

Ўзбекистонда суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар босқичма-босқич, тадрижий йўл билан амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон суд-хуқуқ тизимини демократик асосда изчил ислоҳ этиш, мустаҳкамлаш ва эркинлаштириш борасида тизимли, кенг кўламли ҳамда самарали ишлар амалга оширилмоқдаки, бу жаҳон ҳамжамиятининг алоҳида эътибори ва эътирофига сазовор бўлаётir.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишлари

сифатида мустаҳкамланди. Шу ўринда айниқса, малакали ва етук судьялар корпусини шакллантириш суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида қаралаётгани бежиз эмас.

Хусусан, суд-хуқуқ соҳасида улкан ислоҳотлар амалга оширилиши, яъни 2016 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4850-сон, 2017 йил 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4966-сон, 2018 йил 13 июлдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 24 июля “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармонлари ҳамда қабул қилинди. Мазкур қарор ва фармонларга асосан суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ҳисобланган ҳолда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилаб берилди.

Суд-хуқуқ тизимида амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар моҳият-эътибори билан судлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судлов самарадорлигини янада ошириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда тўлиқ ҳимоя қилишга, бир сўз билан айтганда, мамлакатда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлиdir.

Давлатмиз раҳбари Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқларида “Бугун бир фикрни қатъият билан таъкидлашни зарур, деб биламан: Ўзбекистондаги демократик жараёнлар энди орқага қайтмайдиган, муқаррар тус олди. Биз мана шу ёруғ кунлар учун курашиб, жон фидо этган ота-боболаримизнинг ҳаққи-ҳурмати, 33 миллионлик ҳалқимизнинг ҳаққи-ҳурмати, бизга умид ва ишонч кўзи билан боқиб турган болаларимиз, набираларимизнинг ҳаққи-ҳурмати – мустақиллик ва истиқлол йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз!

Ўз мақсадларимизга албатта етамиз – келажаги буюк Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо этамиз!” деб таъкидлаган эдилар. Демак шундан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бизнинг мана шундай буюк

давлатга, буюк тарихга, буюк келажакка дахлдорлигимиз дилимизни фахрифтихор, шон-шарафга тўлдирса, мана шу буюк давлатга, буюк тарихга, буюк келажакка мансуб бўлиш шарти ҳам борки, бу мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди олдида турган улкан ва шарафли масъулиятдир. Барчамизга мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муборак бўлсин!

**Чарос Юлдашева**

*Адлия вазирлиги хузуридаги “Адолат” миллий ҳукуқий ахборот  
маркази боши маслаҳатчиси*